



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Эртага Тошкентда жорий йилнинг тўққиз ойида пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтади.

• Навоий шаҳрида «Янги авлод-2010» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш ва ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу анъанавий танлов нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу йил танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб деб топилган 355 нафар ёш истеъдод соҳиблари вилоят босқичида беллашди.

• «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида барқарор ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошмоқда, улар амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, давлат ва жамият бошқаруви фаол иштирокчисига айланаётган. Куни кеча Наманган шаҳрида тақдироти ўтказилган «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси ҳам фуқаролик институтлари фаолияти доираси кенгайиб бораётганидан яна бир мисолдир.

• Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Қорақўл насос станцияси агрегатлари давлат гранти асосида янгиланадиган бўлди. Бу ерда жорий йилнинг 15 ноябрига умумий нархи 250 миллион АҚШ доллари қийматидаги насос агрегатлари ўрнатилиши мўлжалланмоқда.

• Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Ванғози Агро Экспорт» МЧЖ ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида янги қандолатчилик корхонасини ишга туширди. Йилга қуввати 150 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада ички бозордан ташқари, экспортга ҳам ширинликлар чиқариш режалаштирилмоқда.

• Наманган вилоятида қиш мавсумига тайёрлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг «Наманганшаҳаргаз» бўлими томонидан 2,8 километр ҳажмдаги газ қувурлари реконструкция қилинди. Шаҳарнинг газ таъминлаш қурилмалари ва қувурлари ҳам юқори босим остида тозаланмоқда.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Покистонга ҳарбий ёрдам кўрсатишга тайёр. Бу ҳақда хорижий ОАВ давлат котиби Хиллари Клинтон баёнотида асосани хабар тарқатди. Давлат котибининг айтишича, бугун терроризмга қарши курашда Покистон АҚШнинг энг яқин ҳамкори саналади.

• Францияда пенсия борасидаги ислохотларга қарши норозилик намойишлари ҳамон давом этмоқда. Мамлакатнинг катта шаҳарларидаги ёнилғи куйиш шохобчаларининг 30 фоизи ишламапти.

• «France-Presse» агентлигининг хабарига кўра, Греция ҳукумати йиллик даромади 10,5 минг евродан кам пенсионерларга 100 миллион евро қўшимча маблағ ажратилишига қарор қилди. Қарорда айтилишича, йиллик даромади 7000 евродан кам пенсионерлар жорий йилнинг декабрь ойида 300 евро, 7000 евродан 10500 еврогача бўлган пенсионерлар эса 100 евродан қўшимча маблағ олади.

• АҚШлик хирурглар португалиялик беморнинг юзидан 5,5 килограммлик ўсмани олиб ташлашга муваффақ бўлди. АВС-7 телеканида ҳақиқат айтилишича, 90 сантиметрлик ўсма Жозе Местренинг юз ва тилини эгаллаб олган эди.

• АҚШнинг Нью-Мексика штатидаги Лас-Крусес шаҳри яқинида дунёдаги дастлабки тижорат космопорти очилди. Бу ҳақда «Ассошиэтед Пресс» агентлиги хабар тарқатган. Тижорат космопортини бунёд этиш лойиҳаси «Virgin Galactic» корпорация раҳбари, миллиардер Ричард Бренсон ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва корпорация томонидан молиялаштирилган.

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (11.768)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 октябрь куни Оқсаройда Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон ва Қатар Давлати икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

– Авваламбор сиз, ҳурматли меҳмонимизни Ўзбекистон заминидан кутлашдан, сиз орқали Қатар Амири Зоти Олийларига ўзимнинг чуқур эҳтиромимни ҳамда Қатар Давлатига ташриф буюришни таклиф этгани учун самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан мамнунман. Мамлакатнинг табиий бойликлари ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш шубҳасиз давлат ва ҳукумат раҳбарларининг асосий вазифаларидандир. Табиий ресурслардан умумий фойдаланиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш юксак самаралар беришини Қатар Давлати мисолида кўриш мумкин. Бу ҳар жиҳатдан эътиборга сазовордир, – деди Ислам Каримов.

Ўз навбатида Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атия самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакати барча соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

– Қатар Давлати Амири Зоти Олийлари Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Биз Сизнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифингиз ҳар томонлама самарали бўлишига ишонамиз. Тошкентга келишдан аввал Сизнинг китобларингиздан бирини катта қизиқиш билан ўқиб чиқиш шарафига муассар бўлдим. Унда Сиз суверен давлат қуришнинг қўллаб-қувватлашнинг беш бош тамойили асосида атрофлича кўрсатиб бергансиз. Шу билан Сиз, Президент Жаноби Олийларининг доно ва прагматик раҳбар эканлигингизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, – деди меҳмон.

Қатар Давлати Ўзбекистон билан қарор топаётган муносабатларга устувор аҳамият бериб, мамлакатимиз раҳбариятининг минтақа ва халқаро миқёсда юритаётган оқилона ва самарали сиёсатини юксак қадрлайди. Ўзбекистон ва Қатарнинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак бўлиб, бу савдо, сармоя, энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва сайёҳликни қамраб олади. Яқинда Қатар пойтахти Доха шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доиралари ва тадбиркорларининг бизнес-форуми ўтказилгани ва унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олингани бунинг тасдиғидир. Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилди ва Доха университетиде унинг тақдироти бўлди.

Қатарда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс хисса қўшган Мовароуннахрнинг буюк алломаларига ҳурмат-эътибор катта. Бу омил икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари яқинда Туркменистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги Ўрта Осиё минтақасини Форс кўрфазини давлатлари билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари коридорига оид истиқболли лойиҳани ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу ташаббус қўллаб-қувватлашда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон билан Қатарни бир-бирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошираётган Ўзбекистон ва Қатар иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлар беллигига кириди. Икки мамлакат ҳам экспортда хомашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳам қатарлик сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аввалдан шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, бундай кўлами кенг тадбирлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ўз фаолиятини янада ривожлантиришга, муболағасиз, улкан имкониятлар очиб бермоқда.

Тўртинчи мартаба ўтказилаётган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тўртта павильон ҳамда очиқ майдонларда 715 та маҳаллий ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда 51 та давлатдан 700 га яқин хорижий компаниялар вакиллари ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда.

Бу ерда геология, ёқилғи энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати мажмуалари орасида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси иштироки салмоқли. Ушбу компания вакиллари таъкидлашчи, бу сафар ҳам соҳаларо кооперация алоқаларини янада ривожлантириш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларни орттириш, шериклар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга



Ярмаркалар

ИШЧАН РУҲДА БОШЛАНДИ

қўйиш мақсад қилинган. Эътиборлиси, ярмарка доирасида «Ўзбекэнерго» ДАК таркибидаги иккита корхонага ISO 9001:2009 халқаро сифат сертификати топширилиши кутилмоқда.

IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида «Ўзпахтасаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзқурилишматериаллари» каби йирик компаниялар кенг жой эгаллаган бўлиб, бу майдонларда биринчи кундан оқшомлик руҳи яққол сезилиб турди. Кеча

Навоий ҳамда Олмалик кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзқўмир» акциядорлик жамияти, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати маҳсулотлар ва хизматлари тақдироти йўқозилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида турли семинарлар ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА
Ҳақимжон Солиҳов
олган сурат

Қарор ва ижро

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда шифохонагача бўлган босқичда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлари ҳамда Россия, АҚШ, Италия, Франциядан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Иқромов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини амалга ошириладиган ислохотлар самарасида аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган, давлат томонидан қамроланган, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдам тизими шаклланиши таъкидлади.

Бу йўналишда фаолият юритаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам ил-

мий марказининг вилоятлар ва туманларда бир юз саксондан зиёд филиали ва бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, тизим таркибида замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика ва даволаш технологиялари билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам ва фавқ-улодда ҳолатларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи бўлимлар ҳам иш олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа тумани ҳокимлигида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги янги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент давлат техника университетида ёшларнинг экологик маданиятини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирок этди.

✓ **ТОШКЕНТ** ахборот технологиялари университети қошидаги иккинчи академик лицейда «Хурлигимиз тимсоли» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қароридан белгиланган вазифалар изчил бажарилаётгани туфайли шошилич тиббий ёрдам тизимининг моддий-техник салоҳияти янада яхшиланмоқда. Жумладан, ушбу хизмат автомобиль паркига 110 "Хундай", уч юздан ортиқ "Дамас амбуланс" ихтисослаштирилган автомашинаси ажратилди.

Тизимда фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш, диагностика ва даволаш ишларида юксак технологияларни қўллаш, жаҳон тиббиётининг энг янги усулларини

ШОШИЛИЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ўзлаштириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилаётган улкан эътибор ўз самараларини жамғирмоқда. Бу жабҳада эришилаётган ютуқлар илгарилари бутунлай даволаш имконияти бўлмаган кўплаб хасталикларни бартараф этиш, ногиронликнинг олдини олиш ва инсон умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ишлари жаҳон андозаларига мос тарзда изчил ривожланиб бормоқда, – дейди ЎЗА мухбирига Франциянинг "Не.со.стор" тиббиёт техникасини ишлаб

чиқариш компанияси президенти Рене Жамбон. – Бундай ютуқларга эришишда халқаро алоқаларга кенг йўл очилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизнинг компания шошилич тиббий ёрдам кўрсатишда, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ишлатиладиган замонавий жиҳозларни, тиббий технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шифокорларнинг ва мутахассисларнинг бу тиббий воситаларни амалда қўллаш билан бир қаторда, уларни ўз юртингизда ишлаб чиқариш юзасидан ҳам фаол изланмоқда. Маз-

кур анжуман соҳадаги энг муҳим янгилликларни оммалаштириш ва ўзаро тажриба алмашиш учун яхши имкониятдир.

Анжуманда шифохонагача бўлган босқичда шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари, соҳада яратилаётган илмий янгилликлар, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз ечимини кутаётган ҳуқуқий, ташкилий ва тиббий муаммоларни бартараф этиш йўллари, турли хасталикларда тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари, тез тиббий ёрдам машиналарини жиҳозлаш ишларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА

Пойтахтимизда «Ёшларнинг фан ва инновацион фаолиятини ривожлантириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари тизимидаги элликдан ортиқ олий таълим муассасалари ёш тадқиқотчилари ва талабалар иштирок этган тадбирда олий ўқув юртида тахсил олаётган ёшларнинг илмий изланишлари муҳокама қилиниб, инновацион лойиҳалар ва технологиялар асосидаги ишланмала-

Семинарлар

ЁШ ОЛИМЛАР ТАЖРИБА АЛМАШУВИ

ри билан яқиндан таништирилди.

Талабаларни фан соҳасига жалб қилиш мақсадида 2004 йилдан буён фаннинг барча соҳалари бўйича ҳар икки йилда бир марта ёш олимларнинг фундамен-

тадқиқотлари танлов асосида шакллантирилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Ҳозирга қадар ана шундай 180 дан зиёд фундаменгал, амалий ва инновацион лойиҳалар бюджет ҳисобидан молиялаштирилди. Жорий

йилнинг ўтган даврида ёш олимлар ўртасида танлов ўтказилиб, қарийб 400 лойиҳадан олтидан зиёди танлаб олинди.

Семинар доирасида ташкил этилган кўргазмада, деб хабар беради «Туркистон-пресс», кейинги икки-уч йилда яратилган ва таълим тизимига жорий этилган дарслик, ўқув қўлланма ва дастурлар, инновацион ишланмалар намойиш этилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва

уруғчилиги, уларни зараркунандалардан сақлаш, экинларга замонавий технологиялар ёрдамида ишлов бериш, фермер хўжаликлари учун ихчам ускуналар, ресурслар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тежовчи машина ва механизмлар ҳам кўргазмадан жой олди.

Таъкидлаш жоизки, семинар давомида истиқболли деб эътироф этилган лойиҳа вакиллари 2011 йилда ўтказиладиган навбатдаги инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида иштирок этади.

Азима ҚИЁСОВА

ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕЗОНИ

«Туркистон-пресс» хабар беришича, пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Солиқ ҳамда Божхона қўмиталари, Олий хўжалик суди вакиллари, тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар иштирокида «Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари: муаммолар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллаштириш чоралари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, бундай қўлама кенг доирадаги учрашувларни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда тадбиркорликни ҳуқуқий

бошқариш ва уни ривожлантиришни тартибга солувчи қонунларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, муҳокамага қўйилган масалаларнинг долзарбли-

гини инobatга олган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш, бу борада давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни танқидий кўриб чиқишдир.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида ҳуқуқий майдонни шакллантириш давом этмоқда, бу борадаги жараён реал мулкдорлар синфининг қарор топиши йўлида тўсиқларни бартараф этишга қаратилгандир. Саъй-ҳаракатлар натижасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес янада ривож топиб, аҳоли даромадлари ошиб бормоқда.

Эргаш ХўЖАЕВ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ умумий ўрта таълим масканлари, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун қулай шароитларни яратиш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 16 июнда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010/2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, таълим-тарбия масканларини кузги-қишқи мавсумга тайёрлашни такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорга асосан белгиланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, деб хабар беради ЎЗА, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим масканлари, Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари қишқи мавсумга шай ҳолга келтирилди. Таълим масканларининг бинолари, улардаги муҳандислик-коммуникация тизимлари, иситиш тармоқларини тўлиқ янгилаш, таъмирлаш, кўмир ва печка ёқилгисини, мазут ва техник тузни жамғариш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Қарийб 350 мактаб, мактабгача таълим маскани, Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат биноси тубдан капитал таъмирланди. Бу жараёнда тўқсонга яқин иситиш қозонхонаси, 25 минг 895 погонметр ички ва 6088 погонметр ташқи иситиш тизими, 19 минг 355 квадрат метр том капитал таъмирланди. 4229 иситиш тармоғи тозаланди. Таълим масканлари йўлакларини электр ёриткич воситалари билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги барча таълим муассасаларидаги кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари

табдан ташқари таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, болалар мусика ва санъат мактабларида ҳам



Қарор ва ижро ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ҚИШГА ТАЙЁР

оид камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кўмир ва бошқа турдаги ёқилгиларни жойларга етказиб бериш, уларнинг сифатли сақланишини таъминлаш, мактаб ошоналари фаолиятини бир меъёрга ишлашнинг таъминлаш мақсадида картошка, пивёз, турли सबзавот маҳсулотлари, мевалар, полиз экинлари каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабларни қишқи мавсумга тайёрлаш Тошкент шаҳридаги барча мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, Мехрибонлик уйлари, мак-

изчил давом этмоқда. Тошкентдаги 30-Мехрибонлик уйи «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ҳамза тумани бўлими орқали иссиқлик билан таъминланади. Мазкур тарбия масканида қишқи мавсумга тайёргарлик кўриши юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мехрибонлик уйи директори ўринбосари Светлана Янужкинанинг айтишича, етти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 90 нафар ўғил-қиз тарбияланувчи ушбу муассасада қишқи мавсумга тайёргарлик кўриши юзасидан қатор ишлар амалга оширилган. Бинонинг томи, ойнала-

ри янгиланди. Асосий муҳандислик коммуникациялари, технологик ускуналар, иситиш тармоқлари мукаммал текширувдан ўтказилди. Мехрибонлик уйи ҳовлиси, унинг атрофига ёриткичлар ўрнатилди.

Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб-интернатда 305 нафар таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган ўқувчи таълим-тарбия олади. Бу ерда болаларнинг тўлақонли билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шароитлар яратилган.

Махсус мактаб-интернат директори ўринбосари Дилфуза Мирсолиҳованинг айтишича, ушбу ўқув даргоҳида сентябрь ойининг бошиданок кузги-қишқи мавсумга пухта тайёргарлик кўрилган. Интернат қозонхонаси «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан жорий таъмирланди. Электр тармоқлари, электр жиҳозлар мавсумга шай ҳолга келтирилди. Иссиқлик тармоғи шisha-пахта ўрагич воситалар билан изоляция қилинди. Мактабнинг томи таъмирланиб, тарновлар тозаланди. Мактаб ҳовлисидаги йўлаклар музлашнинг олдини олиш мақсадида техник туз жамғарилди. Мактаб-интернат ҳудуди ва унинг атрофига ёриткичлар ўрнатилди. Кузги-қишқи мавсумда тез-тез учрайдиган шамоллаш, грипп каби хасталикларнинг олдини олиш мақсадида турли дори-дармон воситалари, препаратлар, стерилланган ниқоблар тайёрлаб қўйилди.

Бундай чора-тадбирларни бугунги кунда юртимиздаги барча таълим масканларида кузатиш мумкин. Қишнинг қаҳратон кунларида ўқув муассасаларидаги иссиқлик таъминотининг барқарор ишлаш ўқувчи-ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, уларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини янада ортатиришда муҳим омил бўлади.

Назкат УСМОНОВА

Тошкентда МДХ давлатлари темир йўл транспорти маъмуриятларининг тариф сиёсати ва тариф келишувига бағишланган XIX анжумани бўлиб ўтмоқда.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР АНЖУМАНИ

Анжуманда Россия, Эстония, Латвия, Литва, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбойжон, Беларусия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Украина давлатларининг темир йўл транспорти маъмуриятларидан вакиллар иштирок этмоқда.

Маълумки, темир йўл транспортининг асосий даромади ташилаётган юклар ҳисобига тўғри келади, – дейди «Туркистон-пресс» мухбирига «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Норбўта Бобоқолов – Шундай экан, темир йўлда ташишлар ҳажмининг ошириш, ривожлантириш, юклар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда транзит таннархини барқарор ушлаб туриш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи манфаатларида ҳам ўз аксини топади. Масалани ечимини эса МДХ давлатлари темир йўл раҳбарларининг келишувига бевоисита боғлиқ. Шу мақсадда 1993 йил 17 февралда ўн иккита мамлакат темир йўл раҳбарлари ҳамкорликда юк ташиш ва жўнатиш, транзит масалалари бўйича тариф сиёсати ва тариф келишувига эришган эди. Мазкур ҳужжатга кўра темир йўлларида юк ташиш бўйича янги таннарх белгилаб олиш учун ҳар йили тариф масалалари бўйича конференция ташкил этилади.

29 октябрга қадар давом этадиган анжуманда 2011 йилда ҳар давлат ҳудудидаги темир йўл транспортининг ҳаракатланадиган юк вагонлари ҳамда контейнерларга нисбатан янги нархлар келишилган ҳолда белгилаб олинади, ягона тариф доирасида келишув ҳам имзоланади.

Инобат ЭГАМКУЛОВА

Иқтисодиёт

МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Кўзланган маррага етишда дадил одимлаш, истиқбол режаларини тўғри белгилаш, чуқур билимга эга бўлиш тадбиркорликда муҳим омиллар бўлса, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдалана билиш, малакали мутахассисларнинг изланишлари ҳам катта аҳамият касб этади.

«Elektromotors Aziya» масъулияти чекланган жамиятида бозор талабларига тўла жавоб берадиган электр двигателлари ҳамда технологик ускуналар ишлаб чиқарилади. Жорий йилдан қорхонада янгиланган қўл урилди. «Elmaz» русумли асинхрон двигателлар тайёрланмоқда. Бу маҳсулотнинг ўзидан йил охиригача 1200 дона ишлаб чиқарилиши белгиланган.

Қорхонада ишлаб чиқарилаётган двигателлар 20-25 йил давомида фойдаланишга мўлжалланганлиги боис кимё, нефть-газ, пахтани қайта ишлаш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Асосий буюртмачилар қаторига «Муборакнефтьгаз», «Шўртангаз», «Жарқўргоннефтьгаз» мажмуалари, Олмалик ва Навоий тоғ-металлургия комбинатлари, «Ўзбеккимёмаш», «Ўзпахтамаш» тизимидаги қорхоналар қиради.

Эътиборли томони, ҳар йили 1400 дона двигател экспорт қилинади. Жорий йилда 3500-4000 та двигател ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

БУНЁДКОРЛИКДА ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР

Шаҳару қишлоқларимиз тобора чирой очиб бораётганида айниқса бунёдкорлик кўлами ҳақида гапириш ўринли. Қурилиш ишлари жадаллашиб, сифати талабга жавоб беришида малакали мутахассисларнинг меҳнати баробарида қурилиш ашёларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

«Potolok-ströy-servis» хусусий қорхонасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни замонавий технологиялар асосида тайёрлашда изланувчан тадбиркорларнинг ҳиссаси бекиёс.

Қорхонада бугунги кунда 14 нафар тажрибали ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Нисбатан қисқа вақт мобайнида ички бозорда муносиб ўрин топган бу жамоа томонидан гипсдан 20 хил турдаги шифт учун плиталар ишлаб чиқарилимоқда.

Бугунги кунда қурилиш ишлари тобора авж олиб, қишлоқларимизда ҳам замонавий турар жой бинолари қад ростламоқда, – дейди қорхона раҳбари Шавкат Исманов. – Демак, бизнинг асосий мақсадимиз маҳсулот хариддорлигини таъминлаш, замонавий усуллардан оқилона фойдаланган ҳолда миллийлигимиздан чекланмасликдир. Юртбошимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратаётган юксак эътибори бизни ҳамisha руҳлантириб, янги-янги ташаббус ва ютуқлар сари етакламоқда.

Қорхонада маҳаллийлаштириш дастури доирасида турли ҳажмдаги плиталар ишлаб чиқарилади. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган қурилиш ашёлари импорт ўрнини босиши баробарида четдан келтириладиган худди шундай маҳсулотдан бирмунча арзонлиги билан афзалдир. Сифатга қаратилган асосий эътибор буюртмачилар сафи кенгайиб боришига асос бўлмоқда. Ҳар бир буюртманинг ўз муддатида бажарилиши қатъий назоратда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан хорижда экспорт қилиш лойиҳаси устида ҳам изланишлар давом этмоқда.

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Кичик ва хусусий бизнес вакиллари учун яратилаётган шароитлар уларнинг сифатли маҳсулотлар тайёрлашда, қўшимча иш ўринлари яратишда ҳиссаси ортисига асос бўлмоқда.

Бугунги кунда 40 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Beshyog' och-metall» масъулияти чекланган жамиятида йирик бетон заводлари учун пўлат сим ишлаб чиқарилади.

Қорхонада бир суткада ўртача 20 тонна сим ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линия қувватидан самарали фойдаланилмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилиши, мароқли дам олиши учун бу ерда керакли шароит яратилган. Улар кучи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса сифат сертификатига эгадир.

Яқин келажақда маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Янги лойиҳалар

ИЛМ ЮЛДУЗЛАРИ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини тобора юксалтириш, ташаббусини ҳар томонлама рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланган.



Бугунги кунда турли соҳаларда ўз билими, салоҳияти билан ютуқларга эришаётган хотин-қизлар орасида ёш олималар сафи ортиб бораётганлиги, оқила, доно, зукко ва истеъдодли қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотида иқтидорли қизларимиз яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Олима аёллар» уюшмаси ҳамкорлигида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида илк марта ташкил этилган «Илм юлдузлари» интеллектуал кўрик-танлови ҳам бунга мисол бўла олади.

Мазкур тадбирнинг куни кеча бўлиб ўтган шаҳар босқичида 18 нафар магистрант ва ёш тадқиқотчилар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова мамлакатимиз Президентини раҳнамолигида аёлларнинг давлат ва жамият қурилишида иштирокини фаоллаштириш, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини янада юксалтириш, ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Бу борада «Илм юлдузлари» лойиҳаси илм-фан билан шуғулланишга киришган қизларимизнинг изланишлари билан танишиш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Танловда илмий изланишлар олиб бораётган қизлар учта шарт

бўйича ўзаро беллашиб, ўз иқтидорини намоён этишди. Тадқиқотлари хусусида ҳам маълумот бериб, келгусидаги мақсадлари билан ўртоқлашди.

Уларнинг ҳар бир чиқишлари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланиб, якунида голиблар ҳам аниқланди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий тадқиқотчиси Марғуба Сиддиқова биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар тегишли равишда Ўзбекистон Миллий университети аспиранти Дилором Дўстмухамедова ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети тадқиқотчиси Зарина Ҳасановага насиб этди.

– Танловда иштирок этганимдан беҳад хурсандман, – деди Марғуба Сиддиқова. – Турли соҳаларда

изланаётган тенгдошларим билан танишиб, улардан кўп нарсаларни ўргандим, ўз тажрибаларим билан ҳам ўртоқладим. Чет тилларига қизиқаман. Талабаларга хитой тилидан дарс бераман. Илмий ишим Хитойнинг геосиёсий манфаатларида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган. Ўртбошимиз томонидан биз, ёшларга, ўқиб, хунар ўрганишимиз, илмий изланишлар олиб боришимиз учун барча имкониятлар яратилган. Булардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишимиз лозим. Келгусида етук мутахассис бўлиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишни мақсад қилганман.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Ўлмасов олган суратлар

2010 йил — Баркамол авлод йили

Шерали ва Наргиза Қодировлар ҳаётида шу йилнинг 9 октябри унутилмас ва қувончли кун сифатида бир умрга муҳрланди. Уларнинг никоҳи пойтахтимиздаги Сергели туман ФХДё бўлими томонидан қайд этилди.

Жорий йилнинг ўтган ойларида Сергели туман ФХДё бўлими томонидан тўққиз юздан зиёд никоҳ қайд этилди.

– Тўйдан олдин никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтиши соғлом оила, баркамол авлод асосидир, – дейди ЎЗА муҳбирига туман ФХДё бўлими муdiri вазифасини бажарувчи Наргиза Маҳмудова. – Азалдан ота-боболаримиз келажақ авлод соғлом бўлиши учун қиз узатиш ё келин танлашда бўлгуси кудаларнинг насл-насабини, ҳатто етти авлодини суриштиришган.

ди. Қиз ўз фикридан қайтмагач, унинг ота-онасини оғоҳлантириш мақсадида уларга вазият тушунтирилди. Аммо ота-оналар ҳам бундан яхши хабардор эканликларини, ўзлари шу қарорга келганини айтишди. Фарзанд хато қилса, ёшлик, гўрлик, деймиз. Аммо барчасини англаб турган, ҳаётий тажрибага эга ота-она ўз фарзандини муқаррар ҳалокат сари йўлласса, буни нима деб тушуниши мумкин?

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни соғлом

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент тиббиёт академиясида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Конституция – изчил демократик ислохотлар асоси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот гуруҳи томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида маҳаллалар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимиз моҳиятининг кенг тарғиб этилаётгани ҳам ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилаётган.

– Бош қомусимизда биз, ёшларнинг билим олишимиз, касб-хунар ўрганишимиз ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган, – дейди Тошкент тиббиёт академияси талабаси Искандар Исмоилов. – Конституция – ҳаётимиз пойдевори бўлгани учун ҳам унинг ҳар бир моддасини билишимиз, ҳар бир ишимизда унга амал қилишимиз лозим.

Эркин мулоқот тарзида ўтказилган давра суҳбатида Бош қомусимизнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар моҳияти, сайлов қонунчилигидаги янгилликлар, ҳуқуқий маданият асослари ёшларга интерфаол усуллар ёрдамида тушунтирилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида рассом Эркин Жўраевнинг «Бухоро оҳанглари» шахсий кўргазмаси намоиш этилмоқда.

Кўргазмалар

ПОЙТАХТИМИЗДА — БУХОРО ОҲАНГЛАРИ

Эркин Жўраев ижодини кузатар эканми, унинг рангасвир асарлари мавзусида миллийлик кенг ўрин эгаллашганини, яратган образларида миллий либослар, урф-одатлар, қадимги шаҳар кўринишлари томошабинни ўзига хос услубдаги ижроси билан мафтун қилади. Рассом она юртига, миллий қадриятларига мурожаат қилиб, реал тасвирларни шартли воситаларда ифода этади.

Эркин Жўраев Бухоро вилоятида таваллуд топган. Мактабини тамомлагач, Республика рассомчилик билим юртида, сўнг К.Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини Бухоро давлат кўғирчоқ театрида бошлаган. Кейинчалик мусикали драма театрида бош рассом бўлиб ишлаган.

– Сўнгги йилларда Эркин Жўраев нафақат иқтидорли театр ва кино рассоми, балки маҳоратли рангасвирчи эканлигини ҳам намоён қилди. Рассомнинг театр билан боғлиқ касби унинг рангасвир билан икки соҳа услубини юзага келтирди, – дейди санъатшунос Нодир Норматов. – Унинг рангасвир асарларининг деярли барчасида театр рассоми эканлиги сезилиб турсада, ҳар бир образда, ҳатто фон вазифасини бажарадиган образларда ҳам рангасвир

хусусиятлари устунлик қилади. Шуниси эътиборлики, рассом асарларида ҳамма ҳолат ҳаракатдалиги диққатга сазовор. Эркин Жўраев кўғирчорали рассом. Қизиқиши туфайли, рангасвирдан ташқари, кўғирчоқлар ҳам ясади. Кўргазма экспозициясидан унинг кўғирчоқлари ҳам ўрин олган. Республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда рассом Бухоро вилояти ихтисослаштирилган санъат мактабида ёш авлодга санъат сирларидан сабоқ бермоқда.

Кўргазмада рассомнинг 90 дан ортиқ асарлари ўрин олган бўлиб, улар рангасвир, графика, спектакллар учун эскизлардан иборат. Рассом кўплаб совринлар соҳиби. Истиқлол йилларида миллий аъналарни тарғиб этувчи туркум рангасвир асарлари учун Ўзбекистон Бадий академиясининг қумуш медали билан тақдирланган, 2007 йилда «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови унинг кўғирчоқлари ҳам ўрин олган. Республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда рассом Бухоро вилояти ихтисослаштирилган санъат мактабида ёш авлодга санъат сирларидан сабоқ бермоқда.

Гулором ҲАМИДОВА

Алоқа

КЕНГ КЎЛАМЛИ
ФАОЛИЯТ

Тошкент почтамати акциядорлик жамиятига айлантирилганига 15 йил бўлди. Мамлакатимизда почта алоқасини кенг йўлга қўйишда салмоқли ўрин тутаяётган Тошкент почтамати энг замонавий техника воситалари, аппарат ва қурилмалар билан жиҳозланган.

Бугунги кунда унинг филиали 161 та почта алоқа бўлими, шахримиз аҳолиси, ташкилот ва муассасаларга хат, бандероль, пул маблағларининг почта ўтказмалари, электрон почта жўнатмаларини қабул қилиш, даврий нашрларга обунани ташкил қилиш каби бошқа ноанъанавий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

АБОНЕНТЛАР СОНИ
ЯНАДА ОРТДИ

Бугунги кунда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали хизматидан аҳоли мамнун десак, адашмаймиз.

Ҳозир абонентлар сони 600 минг нафардан ортиб кетди. Филиал замонавий техникалар билан таъминланиб, аҳолининг телефон алоқаси хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида янги имкониятларни ишга солмоқда.

Фан

САМАРАЛИ ЙИЛЛАР

Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Фанлар академияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу илмий жамоа ўтган давр ичида ҳар томонлама мустаҳкамланди.

Фаннинг муҳим йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар алоҳида тўплам қилиб босмага тайёрланди. Бешта йирик монография эса хорижий тилларда чоп этилди.

ОЛИМА АЁЛЛАР
ТАДҚИҚОТЛАРИ

Тошкент тиббиёт академиясида ташкил этилган республика илмий-амалий анжуман «Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни» мавзусига бағишланди.

Тадбирда тиббиёт фани тараққиёти йўлида олиб борилаётган изланишлар сарҳисоб қилинди. «Тиббиётнинг замонавий ва илғор технологиялари билан узвий боғланиши», «Амалиётда дори воситаларидан фойдаланиш тамойиллари» каби мавзулардаги илмий чиқишлар тингловчилар эътиборини ўзига тортди. Экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид тадқиқот эса энг яхши изланиш деб баҳоланди.

Анжуман материаллари олий ўқув юрти хотин-қизлар кенгаши томонидан тўплам қилиб босмага тайёрланди.

Акбар АЛИЕВ

ЖАМИЯТНИНГ
МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Энди оила қураётган ёшларга бу жараённинг бугун ҳам нақадар муҳим эканини тушунтиряймиз.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар жиҳатдан соғлом оилани шакллантириш асосида жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган.

Тиббий кўрик натижаларига кўра, муайян касаллик аниқланган ёшлар ўзаро бир-бирини тушунган ҳолда даволаниб, сўнг турмуш қураётгани қувонарлидир. Бироқ айрим йигит-қизлар кўра-била туриб, ўз ҳаёти ва туғилажақ фарзанди саломатлигини жиддий хавф остига қўяётгани ачинарлидир.

Яқинда тиббий кўрик натижасида, йигитнинг ОИТС касаллигини юқтиргани, боз устига гиёҳванд сифатида махсус рўйхатда туриши аниқланди. Икки ёшга бу бедаво хасталиқлар ҳақида маълумотлар берилиб, айниқса, қиз билан жуда кўп тушунтириш ишлари олиб борил-

ҳаётга йўналтириш, уларда масъулият ҳиссини шакллантириш борасида туманимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман ФХДё бўлимида ташкил этилган «Оила» мактаби айни шу мақсадга хизмат қилаётган.

Бу ерда балоғатга етган ёшлар, бўлажақ келин-куёвлар ва ёш оила вакиллари га гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик, шарқона одод ва кийиниш маданияти, никоҳ тузиш тартиби ва шартлари сингари мавзуларда дарслар ўтирилиб, мутахассислар томонидан кенг маълумотлар бериб боришмоқда.

Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари яхши натижалар бермоқда. Мунтазам ўтказилаётган дарсларга шифокорлар, психологлар билан бирга, катта ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонларни ҳам тақлиф этияймиз.

Куни кеча «Оила» мактабида навбатдаги дарс «Оила – жамиятнинг асоси» мавзусида бўлди. Унда балоғат ёшидаги қизларда ибод, шарму ҳаё сингари юксак туйғуларни камол топтириш ва тиббий маданиятни юксалтириш ҳақида мутахассислар, ёши улуг онахонлар маслаҳатлар берди. Буларнинг барчаси соғлом оила барпо бўлишига хизмат қилади.

Гўзал САТТОРОВА

